
СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН БЕШ МИНГ ҚАДАМ: БУ САФАР ҚОРБОБОЛАР БИЛАН

"Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам" акцияси кун сайин туман корхона ва ташкилотлар, айниқса аҳоли ўртасида оммалашгани айти ҳақиқат. Бугун Риштон туман ҳокимлиги ва қатор ташкилот ва идоралар ташаббуси билан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда оммавий спортга жалб этиш мақсадида мутасадди раҳбарлар ва аҳоли иштирокида "Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам" шиори остида пиёда юриш марафони ўтказилди. Мазкур марафон бадантарбия машғулоти билан бошланиб, туманининг марказий кўчалари бўйлаб давом этди. Юриш марафонида 40 нафарга яқин қорбоболар ҳам қатнашди.

2021-12-29 10:04:32